

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ХАМКОРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Матупаева Асалхон Абзамжон қизи
Норқувватова Садоқат Равшан қизи*

Аннотация: Мақолада Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жиноятларни фoш этишда Ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари билан ички ҳамкорлик шунингдек бошқа давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳолқаро ҳамкорлик масалалари ёритиб ўтилган. Шунингдек амалдаги тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишга доир ҳамкорлик масалалари бўйича муаммоларга таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Ҳамкорлик тушунчаси, ҳамкорлик тарихи, ахборот алмашиш, ҳамкорлик субъектлари, ҳамкорлик йўналишлари, ҳамкорлик шакллари.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда ҳамкорликни такомиллаштириш

Ҳамкорлик - шериклари сифатида танилган томонлар ўзларининг ўзаро манфаатларини таъминлаш учун ҳамкорлик қилишга рози бўлган келишувдир. Ҳамкорликдаги шериклар жисмоний шахслар, корхона, Манфаатларга асосланган иташкilotлар, ҳукуматлар ёки комбинатсиялар бўлиши мумкин. Ташкilotлар ҳар бирининг ўз миссиясига эришиш эҳтимолини ошириш ва таъсир доирасини кенгайтириш учун ҳамкорлик қилиши мумкин. Ҳамкорлик аксияларни чиқариш ва ушлаб туришга олиб келиши мумкин ёки фақат шартнома билан бошқарилиши мумкин.

Ҳамкорлик тарихи

Ҳамкорлик узоқ тарихга эга, улар ўрта асрларда Европа ҳамда Яқин шарқда аллақачон ишлатилган. 2006-йилги мақолага кўра, биринчи ҳамкорлик 1383-йилда Прато ва Флоренсия савдогарлари Франческо ди Марко Датини томонидан амалга оширилган бўлиб бундан ташқари ҳамкорлик нафақат савдо-сотик масаласида балки турли давлатлар ўриасида ўзаро тинчликни сақлаб туриш, давлатлар ўртасида яхши қўшничилик сиёсатини амалга оширишда ҳам кенг қўлланилган бўлиб, хусусан қадимдан давлатлар фуқароларининг ҳавфсизлигини сақлаб туривчи хизматлар мавжуд бўлган ҳамда улар ўз ўрнида халқларнинг тинчлигини сақлаш мақсадида ички ва ташқи ҳамкорликни амалга оширганлар.

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тизимида ҳар қандай соҳада хусусан ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида ҳам бир қатор ҳамкорликни амалга ошириш бўйича норматив ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, ушбу норматив ҳужжатларда ҳамкорликни амалга ошириш шартлари, ҳамкорлик йўналишлари, ҳамкорликни амалга оширишда иштирок этаётган субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқлигича баён этилган.

Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини кенгайтириш мақсадида имкон қадар қисқа муддат ичида икки давлат ўртасида тегишли шартномаларни, жумладан жиноий иш бўйича ҳуқуқий ёрдам ва экстрадиция тўғрисида шартномаларни тайёрлаш ва тузиша оладилар.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлик соҳалари ва субъектлари

1. Аҳдлашувчи Томонлар ўз давлатларининг қонунлари ва халқаро мажбуриятларига амал қилиб, марказий ваколатли органлари орқали жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қиладилар.

2. Жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва экстрадиция масалаларига дахл қилмайди.

3. Қуйидагилар Аҳдлашувчи Томонларнинг ваколатли органлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси учун:

Прокуратура;

Ички ишлар вазирлиги;

Давлат солиқ қўмитаси;

Давлат божхона қўмитаси;

Миллий хавфсизлик хизмати;

Болгария Республикаси учун:

Ички ишлар вазирлиги;

Олий судлов ва ҳуқуқий евроинтеграция вазирлиги;

Молия вазирлиги.

4. Аҳдлашувчи Томонлардан ҳар бири ўз марказий ваколатли органлари рўйхатидаги ўзгаришлар тўғрисида бошқа Аҳдлашувчи Томонни дипломатик каналлар орқали ўз вақтида хабардор қилади.

5. Марказий ваколатли органлар ҳамкорликда бир-бирлари билан бевосита алоқа қиладилар.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳамкорлик йўналишлари

1. Томонлар жиноятнинг қуйидаги турларига қарши курашда ҳамкорлик қиладилар:

а) терроризм, гаровга олиш ва жамоат хавфсизлигига бўлган бошқа тажовузлар;

б) шахсга қарши жиноятлар;

в) гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ғайриқонуний юргизилиши (кейинги ўринларда — гиёҳвандлик моддалари);

г) ўқ отар қуроллар ва ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмалари, шунингдек радиоактив материалларнинг ғайриқонуний операциялари;

д) иқтисод соҳасидаги жиноятлар, ғайриқонуний молиявий операциялар, шу жумладан жиноий фаолиятдан олинган фойдаларни қонунийлаштириш;

е) сохта паспортлар ва шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни тайёрлаб тарқатиш;

ж) олиб кетиш мумкин бўлган маданий тарихий бойликларга жиноий тажовуз;

з) божхона қонунларини бузиш;

и) автотранспорт воситаларида ғайриқонуний операциялар;

к) фоҳишабозликдан фойдаланиш;

2. Томонлар, шунингдек қуйидаги соҳаларда ҳам ҳамкорлик қиладилар:

а) тергов ва суддан яшириниб юрган, жиноий жавобгарликни ўташдан бош тортаётган шахсларни, шунингдек бедарак йўқолган шахсларни қидириш;

б) рақам ёки ўзига хос ажралиб турадиган белгиларга эга ҳамда етарли даражада қимматбаҳо бўлган тўғриланган предмет ва буюмларни, паспорт ва шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, рақамли қимматбаҳо қоғозлар ҳамда кредит карточкаларини қидириш;

в) шахсларни, шунингдек кимлиги ноаниқ мурдаларни аниқлаш;

г) йўл ҳаракати хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш;

д) аэропорт, темир йўл станциялари ва метрополитенда хавфсизликни таъминлаш, шунингдек шахслар ҳамда объектларни турли хил жиноий тажовузлардан муҳофаза қилиш;

е) ахборотлаштириш соҳасида хавфсизликни таъминлаш;

ж) жиноий жазоларни ижро этишни ташкил қилиш.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳамкорлик шакллари

1) Томонлар миллий қонунлар доирасида қуйидаги шаклларда ҳамкорлик қиладилар:

а) жиноятларни фош қилиш, бартараф этиш ва очиб ташлашга, шунингдек бошқа вазифаларни ҳал этишга кўмаклашадиган ахборотни алмашиш;

б) жиноят фактларини тергов қилишда жисмоний ҳамда юридик шахслар фаолиятини ўрганиш, шахсларни, предмет ва ҳужжатларни тегишли равишда рўйхатга олиш орқали кўмаклашиш;

в) Тезкор-қидирув тадбирларни ўтказиш тўғрисидаги сўровларни бажариш;

г) уюшган жиноий гуруҳлар фаолиятига қарши қаратилган мувофиқлаштирилган чораларни амалга ошириш;

д) иш тажрибасини, шу жумладан стажировка, консультация ва семинарлар ўтказиш орқали алмашиш;

е) жиноятга қарши кураш масалалари бўйича қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни алмашиш.

2. Ҳамкорликнинг ҳажми ва муайян шакллари Томонлар давлатларининг марказий ваколатли органлари тарафидан заруратга кўра шартнома бўйича, шунингдек бошқа муҳим ҳолларда белгиланади.

Ҳамкорликнинг бошқа шакллари ва кадрларни тайёрлаш

1. Томонлар миллий қонунлар доирасида жиноятлар йўлини кесиш учун ҳуқуқ-тартибот чораларининг самарадорлигини ошириш мақсадида бир-бирлари билан яқиндан ҳамкорлик қиладилар.

2. Томонлар ўз давлатларининг марказий ваколатли органларига, имкон қадар қисқа муддат ичида агар тузилмаган бўлса, қуйидагиларни кўзда тутадиган конкрет битимларни ишлаб чиқиш ва тузишни топширадилар:

а) Томонлар ўртасида алоқа ўрнатиш ҳамда тутиб-туриш, жиноятнинг барча жihatларига алоқадор ахборотни ишончли ва тез алмашиш ҳамда бошқа вазифаларни ҳал қилиш;

б) Халқаро характерга эга бўлган жиноятларни тафтиш этиш, бундай жиноятларни содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни фош этиш мақсадида қидириш;

в) Жиноятларни, айниқса, гиёҳвандлик моддаларининг ғайриқонуний юргизилишини тўхтатишдаги бошқа ҳаракатлар, агар бундай ҳаракатлар миллий қонунларга зид келмаса ва юқорида кўрсатилган мақсадларга эришиш учун муҳим деб топилса.

3. Томонлар жиноятчиликка қарши кураш, махсус билимларни алмашиш мақсадида фан ва техника соҳасидаги тадқиқотлар дастурларини лойиҳалаштириш ҳамда амалга оширишда бир-бирларига кўмаклашадилар.

4. Томонлар ўзаро манфаатдорлик асосида алоҳида битимларга мувофиқ жиноят адлияси органлари, божхона ва солиқ хизматлари учун кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик қилишга шартлашиб олдилар.

Муайян жиноятлар тўғрисида ахборот алмашиш

Ахборотни алмашиш, конкрет жиноятларга, жумладан қуйидагиларга тааллуқли бўлади:

а) Бир Томон давлатининг ҳудудида уюшган гуруҳлар тарафидан тайёрланаётган ёки амалга оширилган жиноятларга, агар бундай гуруҳлар таркибига бошқа Томон давлатининг фуқаролари кирса ёки бундай жиноятлар бу давлатнинг манфаатларига бирон-бир тарзда таъсир этаётган бўлса;

б) Бир Томон давлатига бошқа Томон давлатидан гиёҳвандлик моддаларининг ғайриқонуний юргизилишини ташкил этадиган гиёҳвандлик моддалари киритилаётган бўлса, шу жумладан учинчи давлатлардан транзит тарзида, шунингдек гиёҳвандлик моддаларнинг ғайриқонуний тайёрланиши ёки савдосида бир Томон давлатида бошқа Томон давлатининг фуқароси алоқадор бўлса;

в) Бир Томон давлатининг ҳудуди ёки муассасаси бошқа Томон давлатининг фуқаролари тарафидан жиноий фаолиятдан келадиган даромадларни қонунийлаштириш билан боғлиқ равишда фойдаланилса.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар туфайли Ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар шунингдек бошқа давлатлар соҳавий хизматлари билан олиб борилаётган ҳамкорликлар кўламнинг кенгайиши нафақат жиноятчиликни фош этиш балки содир этилиши мумкин бўлган жиноятларни олдини олишда ҳам ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда. Шунга қарамасдан хали ҳамон турли хилдаги тезкор-

қидирув тадбирларини амалга оширишда хамкорлик борасида ечимини топмаган масалалар кўзга ташланмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ички ишлар органлари шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар соҳавий хизматлари ўртасида самарали хамкорликнинг йўлга қўйилиши нафақат жиноятчиликка қарши курашиш балки жиноятларнинг олдини олишда ҳам ўзининг ижобий натижаларини бериб келмоқда. Ҳозирги кунда соҳада хамкорликни такомиллаштириш бўйича истиқболли режалар амалга оширилаётган бўлиб, нафақат ички хамкорлик балки бошқа давлатлар билан амалга оширилаётган хамкорликни кенгайтириш масалалари ҳам олға сурилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2023й.
2. Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2012 й 25 декабр.

Электрон манбалар:

1. <https://law.wikiriding.ru>
2. https://legal_science/academik.ru
3. <https://online.zakon.kz/m>

Махсус адабиётлар:

1. “Жиноятчиликка қарши курашда хамкорлик қилиш тўғрисида ” 2000 йил 19 декабр. Қшинёв битими
2. Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунига шарх. 2015йил